

Сийрат 192-дарс. Мукулмонни сўкиш фосиқликдир



19:00 / 15.07.2022 4227

740. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам айтдилар:

«Бирингиз ўз биродарига қурол билан ўқталмасин. Чунки шайтон эҳтимол унинг қўлини ўйнатиб, дўзахнинг чуқурига тушиб қолишига сабаб бўлишини ўзи билмай қолади».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: «Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Ким ўз биродарига ўткир темир билан ўқталса, уни фаришталар лаънатлайди»**, деганларини эшитдим».

Муслим ривоят қилган.

* * *

741. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мусулмонни сўкиш фосиқликдир ва у билан уруш қилиш кофирликдир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

742. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Умматимдан бир тоифа ҳақда зоҳир бўлган ҳолларида бардавом бўлишади. То Аллоҳнинг амри келгунча уларни хорлаганлар уларга зарар етказа олмайди. «Ийсо ибн Марям соллаллоҳу алайҳи васаллам тушганида уларнинг амири: «Кел, бизга намоз ўқиб бер»**, дейди. **«Йўқ. Сизлар баъзингиз баъзингизга амирсизлар. Бу, Аллоҳнинг ушбу умматга қилган икромидир»**, дейди».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан